Ушбу сонда:

2 *Бир Фармон шарофати* ҲАР ОИЛАНИНГ ЎЗ УЙИ БЎЛАДИ

3 ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ уларни сўлим масканлар кутмоқда

4 *Дўст ачитиб гапиради* СПОРТГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 25 май, жума №80 (1094)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Элим деб, юртим деб ёниб яшаётганлар

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Лавҳа

У ўзига таниш, қадрдон йўлидан одимлаб бораркан, бир-биридан гўзал биноларга назар ташлади. Уларни бунёд этишда ўзининг ҳам озмикўпми ҳиссаси борлигидан фахрланди. Рустамжон хосиятли касбнинг этагини тутиб, нияти улуғ, қадами қутлуғ кишилар билан ошно бўлиб, кам бўлмади. Ҳаётда ўз ўрнини, бахтини топди. Элюртга азиз бўлиб яшаш унга ҳам насиб этди.

Хурсандчилигининг яна бир боиси, кўп йиллик ҳалол меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Кўксини «Шуҳрат» медали безади. Бироқ, бу ютуқлар замирида изланиш, машаққатли меҳнат ётади.

...Кеч куз. Ҳарбий хизматдан қайтгач, қалби яратувчилик меҳнатига талпинган йигит иккиланмай қурувчи бўлишга аҳд қилди. Уни кўтарма кран машинисти вазифасига қабул қилишди. Ёш бўлсада ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, рўзғор ташвишлари зиммасига эрта тушган Рустам Бурҳониддинов йилнинг тўрт фаслида ҳам сидқидилдан меҳнат қилди. Вақт ўтиши билан ҳамкасблари ўртасида касбига меҳр қўйган, иродали, изланувчан қурувчи сифатида танилди. Йиғилишларда меҳнат унумдорлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлашга оид қимматли таклифларни ўртага ташлади.

Ундаги изланувчанлик, масъулият ҳиссини сезган раҳбарлар оқсаётган қурилишпайвандлаш бригадасига етакчи этиб тайинлашди. Масъулиятли, синов дамлари бошланди. Рустамжон шахсий ибрати, ширин муомаласи билан қурувчиларни мақсад сари бирдек сафарбар эта олди. Уч ой деганда қолоқ бригада қаддини тутиб олди. Қатор бунёдкорлар пул мукофотлари, «Фахрий ёрлиқ»лар билан тақдирландилар. Бригадир устозлари маслаҳати асосида Тошкент политехника институтининг кечки бўлимига ҳужжат топширди. Кундузи ишлаб, кечаси ўқиди. Бу йиллар унинг учун катта мактаб босқичини ўтади.

1989 йили қурилишда кўзи пишиган, қатъиятли, ҳақгўй бригада бошлиғини 12-қурилиш трести касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайлашди. Очиғи, буни у кутмаганди. Ишончни оқлаш учун вақт билан ҳисоблашмай ишлади. Қурувчилар, мутахассислар учун қулай шароитлар яратиш, уларга имтиёзли йўлланмалар бериш, моддий манфаатдорликни таъминлаш учун қўлдан келган барча ишни қилди. Айни пайтда уруш ва меҳнат фахрийларининг иззатҳурматини жойига қўйди. Аида Арутунян, Аида Ярикова, Тоир Дадажонов каби табаррук инсонлар соғлиғи ҳақида алоҳида қайғурди.

Биз касабақўм раиси ҳузурига кириб борганимизда, яна хурсанд кайфиятда кимгадир қўнғироқ қилаётган экан.

— Ҳамза театрининг янги биноси ва бош универсал магазинида бошланган реконструкция ишлари ўз вақтида тугалланади, - дейди у бизга юзланиб. - Бунинг учун иш уч сменада ташкил этилган. Ишловчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Иссиқ овқат, транспорт хизмати қўмитамиз диққат марказида. Йигитларимиз ғоят масъулиятли вазифани бажаришаётганини дилдан ҳис қилишяпти.

Касабақўм раиси Рустам Бурҳониддиновнинг ташкилотчилиги туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида маданий тадбирлар учун 700 минг сўм, моддий ёрдам учун эса 150 минг сўм сарфланди. Қурувчиларга соғлиқларини мустаҳкамлаш учун сиҳатгоҳга 32 та йўлланма ундирилди. Уларнинг кўпчилиги имтиёзлидир. Яхшининг шарофати, деганларидек, ишчи-қурувчилар дам олиш кунларини ўзларининг оромгоҳларида ўтказадилар. Иноқ жамоада ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Шу боис, жисмоний тарбия ва спорт ишлари жонланиб кетди. Теннис корти, замонавий спорт комплекси улар ихтиёрида.

— Ҳар бир инсон нурли из қолдириб яшашга, савобли ишларга ҳисса қўшишга ҳаракат қилади, - дейди ҳикоямиз қаҳрамони суҳбатимиз сўнггида. - Яқинда хорижлик меҳмонлар билан гўзал Тошкентимиз бўйлаб сайр қилдиқ. Кенг, равон кўчалар, муҳташам бинолар, гўзал хиёбонларимиз уларни мафтун этди. Шунда ўз касбим, қўли гул дўстларим билан фахрланиб кетдим.

Ортиқ САИДОВ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА ДЎСТОНА ЁРДАМ

Орол денгизи фожеасидан азият чеккан қорақалпоғистонлик қардошларга, биринчи навбатда келажагимиз бўлган болаларга дўстона ёрдам кўрсатиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун бурчга айланиб бормоқда. Буни юракдан ҳис этган Наманган вилоятининг барча шаҳар ва туман ҳокимликлари, идоралар ҳамда ташкилотлар Оролбўйида яшовчи дўстларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатишга бел боғлаганлар. Шу мақсадда 24 май куни эрталаб соат 7 да ҳашар йўли билан тўпланган озиқ-овқат ва кийим-кечаклар юкланган 13 та «КамАЗ» юк автомобилларидан ташкил топган гуруҳ Қорақалпоғистонга жўнаб кетди.

Ун, макарон, турли хил консервалар, мевалар ва шифобахш «Чортоқ» минерал суви тўлдирилган идишлар, шунингдек, 1 миллион сўмлик болалар пойабзаллари ва кийим-кечаклар ортилган машиналар йўлда.

«Наманган-Нукус» йўли бўйича ҳаракат қилаётган автомобиллар жамланмаси бугун белгиланган манзилга етиб бориши кўзда тутилган.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Замонавий компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан «Интернет»га кириб боришини кенгайтириш, юқори малакали дастурчи-мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

2. Махсус ишчи гуруҳ:

республикада компьютер ва ахборот технологияларини ташкил этиш ва ривожлантириш, дастурий таъминлаш, компьютер асбоб-ускуналари ва ахборот тармоқлари соҳасида кадрлар тайёрлаш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тармоқларига кириб бориши ҳолатини ва унинг амалий қўлланилиши даражасини чуқур ва батафсил ўрганиб чиқсин;

мазкур таҳлил асосида уч ой муддатда 2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига Ҳукуматнинг тегишли қарори лойиҳасини киритсин.

Дастур лойиҳасини шакллантиришда:

иқтисодиёт тармоқларида, умумтаълим мактаблари, коллежлар ва лицейлар, олий ўқув юртларининг ўқув жараёнида замонавий компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, тегишли таълим стандартларини ишлаб чиқиш;

республиканинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида замонавий компьютер ва ахборот технологиялари бўйича юқори малакали дастурчилар ва мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш даражасини ошириш;

дастурий таъминлаш, компьютер ва тармоқ асбоб-ускуналари, рақамли телекоммуникациялар соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ташкил этиш;

республика ўқув ва тадқиқот муассасалари, корхоналари ва ташкилотларининг халқаро ахборот тармоқларига, шу жумладан «Интернет»га кенг кириб боришини таъминлаш;

компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида асбоб-ускуналар ва техник воситалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Махсус ишчи гуруҳ Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлашда ахборот тизимлари ва тармоқларини ташкил этиш, ривожлантириш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигига, истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш, тармоқ стандартлари ва нормативларини белгилашга доир ишларни мувофиқлаштирувчи Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказини ташкил қилиш юзасидан таклиф киритсин.

4. Республика корхоналари ва ташкилотларидан, халқаро ташкилотлардан ҳомийларни, шунингдек хорижий инвесторларни кенг жалб этган ҳолда Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 23 май

«Ишонч»га жавоб берадилар

Газетанинг шу йил 20 апрел сонида «Ўз аризасига кўра...» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Гулистон тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи ишдан ноҳақ бўшатилганлиги, инсон омилига эътибор сусайтириб юборилганлиги танкид остига олинганди. Ушбу матбуот чиқиши юзасидан қуйидаги жавоб олинди.

ХОДИМ ЎЗ ИШИГА ТИКЛАНДИ

«Ўз аризасига кўра...» сарлавҳали мақола Сирдарё вилояти ҳокимлиги томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Унда келтирилган далиллар тўла тасдиқланди. Вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг собиқ бошлиғи А.Исломов ҳамда мутахассис М.Ҳамдамовалар Гулистон тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи А.Эсиргаповни вазифасидан бўшатишда республика Меҳнат Кодекси талабларига риоя қилмаганлар.

Шу боис вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг шу йил 18 майдаги буйруғидан кейин адолат тантана қилди. А.Эсиргапов ўз вазифасига тикланди. Айбдорларга нисбатан чора кўрилди. Хусусан, ҳозирда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаётган А.Исломов ҳамда мутахассис М.Ҳамдамоваларга хайфсан эълон қилинди.

А.КРОВНОВ,
Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Яқинда Жиззах вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган болаларни соғломлаштириш ва уларнинг ёзги дам олишини ташкиллаштириш комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши ана шу долзарб масалага бағишланди.

Маълум бўлдики, А.Қодирий номли Жиззах педагогика институти, Зафаробод тумани, «Вилоятгаз» идораси тасарруфидаги болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилаётир. Лекин вилоят «Матлуботсавдо», Арнасой, Зарбдор, Мирзачўл, Жиззах туманларига қарашли оромгоҳларда таъмирлаш ва умумий тайёргарлик ишлари ўта қониқарсиз бормоқда. Бир қатор дам олиш масканларида ичимлик суви муаммоси бартараф этилмаган.

Жорий йилда вилоятда жами 7600 нафар бола оромгоҳларда бўлиши режалаштирилган. Улардан 2900 нафари кундузги оромгоҳларда соғломлаштирилиши мўлжалланмоқда.

Шу боис мажлисда ёзги таътилни мазмунли ўтказиш юзасидан ошиғич тадбирлар белгиланди.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Чирчиқдаги «Кибо» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган пойафзаллар сифати ва кўркамлиги билан харидорларга ғоят манзур бўлмоқда. Шунингдек, мазкур корхонада болажонлар учун ҳам бежирим оёқ кийимлари тайёрлаш йўлга қўйилган.

Суратда: моҳир ишчи Г.Шерназарова.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Шартнома шартларини кимлар бажармаяпти?

ҚАРЗНИ ҚАЙТАРИШНИ «УНУТИШИБДИ»

Юртимизда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўзаро манфаатли шартномага киришган томонларнинг ҳак-ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинган. Хўш, улар Қашқадарё вилоятида қандай бажарилаяпти?

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий, ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонунида шартнома тузувчи томонларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома шартларини бузган мансабдор шахсларнинг мулкий ҳамда маъмурий жавобгарлиги аниқ-равшан кўрсатиб берилган.

Бироқ, кўпгина тадбиркорлар буни яхши билганлари ҳолда шартнома шартларини бажаришмаяпти. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўрса бўлади.

Вилоят хўжалик судида бир қатор ишлар кўриб чиқилганида бу борада қонунбузарликка йўл қўйилганлиги равшан бўлди. Китоб туманидаги «Гулистон» хусусий фирмаси бошлиғи Б.Бойназаров шу ерлик «Дониёршайх» хусусий корхонасидан 2 миллион 618 минг сўм миқдоридаги пулни қарзга олиш учун елиб-югурди. Қатор хайрли ишларга бел боғлаганлигини, бироз кўмаклашиб юборилса ўзига ҳам, давлатга ҳам катта наф келтиришини таъкидлади. Мақсадига эришгач, гарчанд хўжалик судининг қарори бўлса-да қарзни тўлашдан бўйин товлаб, ўзини ҳар куйга солган.

Қарши туманидаги «Бунёд» кичик корхонаси раҳбари Э.Абдуллаев ҳам устаси фаранг чиқиб қолди. «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлими билан гаров шартномаси тузиб, 626 минг 826 сўм миқдорида кредит олганди. Бу имкониятдан у унумли фойдаланди. Лекин негадир қиёмат қарзни вақтида узишни унутди. Худди шунингдек, Китобдаги «Пахта» фирмаси етакчиси У.Раҳматов ҳам вақт ўтганлигига қарамасдан банкдан олган қарийб 2 миллион сўм кредитни тўлашдан ўзини олиб қочиб юрган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Қонун барча учун баробар. Кимда ким уни менсимаса, ёки четлаб ўтса пушаймон қилади. Юқорида номлари тилга олинган фирмаларнинг раҳбарлари устидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 232-моддасига асосан жиноий иш қўзғатилди. Ана энди улар кўпнинг олдида изза бўлиб, қилмишларидан пушаймон бўлишмоқда...

М.ШАРИПОВ,
Қашқадарё вилоят прокуроринг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

«НАВРЎЗ - БОҚИЙ БАЙРАМ - 2001» ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси танлов ҳайъати Ватанимиз мустақиллигининг шонли 10 йиллиги арафасида халқимизнинг азалий ва навқирон айёмини гўзал ва бетакрор кўринишларда ифодалаган, истиқлол даври, унинг кишиларимиз тафаккурини янгилашдаги бемисл аҳамиятини кўтаринки рухда тадқиқ ва талқин эта олган қуйидаги таҳририят ва ижодкорларни «Наврўз - боқий байрам - 2001» танлови ғолиби деб топди:

ЭНГ ЯХШИ ТАҲРИРИЯТ: «Ишонч» газетаси - Наврўз мавзусида берилган туркум мақола ва безакли саҳифалар учун

ЭНГ ЯХШИ МАҚОЛА: Озод Аббосхўжаев - «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Наврўз: ўтмиши, бугуни ва истиқболи» публицистик мақоласи учун

ЭНГ ЯХШИ КЎРСАТУВ: Назар Эшонқулов, Нуриддин Қосимов - Ўзбекистон телевидениесидаги «Наврўз» телемарафони учун

ЭНГ ЯХШИ ЭШИТТИРИШ: Алишер Назаров - Ўзбекистон радиосидаги «Иффорларга айланган дунё» эшиттириши учун

ЭНГ ЯХШИ ФОТОСУРАТ: Тоҳир Нигматуллин, Сергей Любич - «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинган туркум фотосуратлар учун

ТАҲРИРИЯТЛАРДАН «Зарафшон» (Самарқанд вилояти), **«Боғдод тонги»** (Боғдод тумани) газеталари, журналистлардан **Нажмиддин Икромий** («Андижоннома»), **Собир Дадахўжаев** («Водил ёғдуси») рағбатлантирувчи совринларга сазовор бўлдилар.

Бир Фармон шарофати

ҲАР ОИЛАНИНГ ЎЗ УЙИ БЎЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

Инсон борки, шинам, ҳар томонлама қулай, замонавий уйи бўлишини орзу қилади. Бунга эришганларгина ўзини том маънода бахтли ҳисоблайди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Якка тартибда уй-жой қураётган кўп болали ва кам даромадли оилаларни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти беқиёсдир. Буни Самарқанд вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

ЁШЛАРГА ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Ижтимоий масаланинг ечимига йўл топиш осонмас. Собиқ шўро даврида уй-жойли бўлиш катта муаммо эди. Бунинг учун одамлар йиллар мобайнида навбатда туришарди. Бир ҳовлида қатор оилалар амал-тақал қилиб ҳаёт кечиришганини яхши биламиз. Яна қизиғи шундаки, пешона тери эвазига топилган даромаддан кўримли уй бунёд этган инсон, у ким бўлишидан қатъий назар юрагини ховучлаб яшаган. Шу боис, йиллар мобайнида, айниқса қишлоқларимиз қиёфаси ўзгармай келди.

Ўтмишдан бизга ана шундай оғир мерос, ўткир ижтимоий муаммо қолганди. Давлатимиз раҳбари салтанат тепасига келган дастлабки кунлариданоқ халқ ҳаётини фаровонлаштириш, турмушини яхшилаш ҳақида алоҳида қайғурди. Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.

Самарқанд вилояти республиканинг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларидан бири. Айниқса, Тойлоқ, Оқдарё, Самарқанд, Ургут туманларида уй-жой таъминотида қийинчиликлар бор эди. Шу боис, самарқандликлар Юртбошимизнинг юқорида қайд этилган фармонини зўр хурсандчилик, миннатдорчилик ила қарши олдилар. Фармон шарофати билан ҳар бир туманда кўпдан-кўп оилаларга уй-жой қуриш учун ер ажратилди. Шу аснода Самарқанд заминида 300 га яқин янги қишлоқ ва маҳаллалар вужудга келди.

— Одамлар бу кунни, бу фармонни қанчалик орзиқиб кутишганлигини қалбдан ҳис қилдик, - дейди Самарқанд вилоят ҳокимлигининг якка тартибда уй-жой қурилишини мувофиқлаштирувчи бош бошқарма бошлиғи Рустам Сатторов. - Мутасадди идора ва ташкилотлар аниқ тадбирлар асосида фаолиятни жонлантириб юбордилар. Бизнинг зиммамиздаги масъулият ҳам бўлакча эди. Жумладан, ер майдонлари ажратиш, кредит олишга доир ҳужжатларни тайёрлаш, ундан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш, муҳандислик иншоотлари қурилишини намунали олиб бориш, зарур материалларни тақсимлаш каби ишларни ўз вақтида, режали амалга оширишга ҳаракат қилдик. Ҳокимликлар кўмагида уй-жойга муҳтож ва иморат қуриш истагида бўлган оилалар тўлиқ ҳисобга олинди. Бунёд этилажак уй-жойларнинг нисбатан арзон нархда бўлиши, замонга мос, даврга хослигини таъминлаш мақсадида кўпдан-кўп лойиҳалар синчковлик билан назардан ўтказилди. Деҳқону чорвадор, ишчи-ю қурувчи фикр-мулоҳазалари алоҳида инобатга олинди. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий муаммони муваффақиятли ҳал этиш имконини бермоқда.

Фикримизнинг далили сифатида рақамларга мурожаат этайлик. Ўтган 2000 йилнинг ўзидагина вилоятда 900 минг квадрат метр якка тартибдаги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Уларнинг 95 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади. Айниқса, Пайариқ, Самарқанд, Ургут туманларида бунёдкорлик ишлари кенг кўламда амалга оширилди. Равшанки, биргина уй қуриш билан иш битмайди. Фуқаролар тўкис ҳаёт кечиришлари учун бошқа тадбирларни ҳам амалга оширишимиз лозим эди, Ҳамжиҳатлик, омилкорлик, маблағлардан унумли фойдаланиш туфайли янги аҳоли турар-жойларига 389 километр газ қувурлари, 200 километрга сув қувурлари тортилди. Жорий йилнинг тўрт ойи ичида Булунғур туманида 19 минг квадрат метр, Гўзалкент туманида 17 минг квадрат метр, Самарқанд туманида ҳам шунча, Каттақўрғонда эса 18 минг квадрат метр якка тартибдаги шинам уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Якка тартибда уй-жой қуриш ишлари бу қадар жадал суръатда давом этаётганини чуқур ҳис қилиш учун Президентимиз Фармонининг моҳиятини теран англамоқ даркор. Масалан, ушбу фармонда уй қурувчиларга имтиёзли кредитлар бериш, уни муддатидан илгари қайтарганлик учун устама тўлов фоизини камайтириш, кўп болали оилаларга кредитни қайтариш муддатини узайтириш, устама фоизларини камайтириш лозимлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Республикамизда ишлаб чиқариладиган қурилиш материаллари билан якка тартибда уй-жой қурувчиларни, айниқса, кўп болали, кам даромадли оилаларни имтиёзли таъминлашнинг ташкил этилиши муҳим омил бўлди.

ЎЗГАРИШЛАР ОЙНАСИ

**** Президент Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарори шарофати билан вилоятда 300 га яқин янги қишлоқ ва маҳаллалар вужудга келди.***

**** 2000 йилда Самарқандда 900 минг квадрат метр якка тартибдаги уй-жойлар қурилди. Уларнинг 95 фоизи қишлоқ жойларидадир.***

**** Уй қурувчиларга имтиёзли кредитлар берилиши, кўп болали оилалар учун кредитни қайтариш муддати узайтирилганлиги, устама тўлов фоизи камайтирилганлиги уларга катта мадад бўлди.***

**** Олти йил ичида Ургутда уч мингдан зиёд оила ўзининг шинам уйига эга бўлди.***

Бу ерда қад ростлаган бинолар ўзининг кўркамлиги, архитектураси билан ажралиб туради.

**** Ургутдаги яхши бир тажриба оммалашиб бораяпти. Яъни, болажон оилаларга қурилиш материалларини нисбатан арзон нархда сотиш йўлга қўйилган.***

**** Ихтисослашган қурилиш бригадалари ҳам имтиёзли хизмат кўрсатмоқда.***

**** Янги истиқомат масканларига газ, ичимлик суви қувурлари тортиш ишлари жадал олиб борилмоқда.***

УРГУТДА ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

Ургутликлар қўли гул халқ. Бу ерда ажойиб дурадгорлар, наққошлар, қурувчилар кўплаб топилади. Кўркам уйлар қуриш, маҳаллий қурилиш ашёларидан унумли фойдаланишда улар кўпчиликка намуна. Туманда аҳоли зич яшайди. Демографик ўсиш суръати ҳам юқори. Шу боис, оилаларнинг бошпанага бўлган талаби юқори. Таъкидланганидек, ҳозирда ҳам бир ҳовлида бир нечта оила яшаётган хонадонлар оз эмас. Шаҳарнинг Камардон маҳалласида бўлганимизда, Аҳмедовлар, Мозортепа маҳалласидаги Акромовлар, Гўзни маҳалласининг Омоновлар оилаларида ўндан ортиқ кишилар яшаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Шундай бўлса-да, улар эртанги кунга ишонч билан боқишмоқда. Ҳукуматимиз уларнинг талаб-истакларини қондириш юзасидан кенг кўламли ишларни амалга ошираётганини ўз кўзлари билан кўриб, билиб туришибди. Барча қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллий бошқарув органлари ўз ҳудудларидаги уй-жойга ғоятда муҳтож оилалар рўйхатини тақдим этишган. Туман кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш бошқармаси улар тавсияси асосида тадбирлар ишлаб чиққан. Қурилиш материаллари, кредит маблағларига, қолаверса, зарур хизматларга бўлган эҳтиёжлар ҳисобга олинган.

— Ўтган давр мобайнида Президент Фармонини бажариш юзасидан хайрли ишларга қўл урилди. Натижада уй-жой муаммоси бирин-кетин ҳал этилмоқда, - дейди бошқарма бошлиғи Қобилжон Муртазоев. - Ургутимиз бўйича 1995-2000 йиллар мобайнида 3258 оилага 342 гектар ер майдони ажратилди. Бу билан чекланиб қолингани йўқ. Ана шу муддат ичида бошпана бунёд этиш орзусида бўлган 802 оилага 30 миллион сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағлардан самарали фойдаланилди. Шу туфайли олти йилда 3 мингдан зиёд оила ҳовли тўйлари ўтказди. Якка тартибда уй қуриш «Наврўз», «Аккўрғон», «Зарафшон», Мўминов номли жамоа хўжаликларида кенг кўламда, юқори суръатда олиб борилди. Тадбирлар шарофати ила Боғиусмон, Исломобод қишлоқлари, Камангарон қишлоғининг бир қисмида замонавий посёлкалар пайдо бўлди. Энди маданий-маиший хизматни жонлантириш ҳақида алоҳида бош қотирилмоқда.

Туман ҳокимлиги таклифи, тарғибот ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги боис, ибратли омилларга қўл урилмоқда. Жумладан, туман ҳокимининг қарорига асосан Ургут ғишт заводи, «Гавҳар», «Улуғбек» кичик корхоналари, махсус цех ўз маҳсулотларининг бир қисмини кўп болали, кам даромадли оилаларга арзон нархда сотишни йўлга қўйди. Ихтисослашган бригадалар ҳам имтиёзли хизмат кўрсатишга ўтди.

Уй-жой масалалари бир-бири билан боғлиқ. Бу ерда коммуникация тизимини барпо этишга ҳам ихлос билан киришилди. Табиийки, муаммолар, баъзи бир камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ҳозирча 10 километр электр тармоғи, 300 километрли газ қувурлари, 31 километрли сув тармоғи қуриш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Буни яхши тушунган корхоналар, хўжаликлар, тадбиркорлар имконият даражасида уйлар қураётган кишиларга кўмаклашмоқдалар. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Ургут туман қўмитаси раиси Н.Рашидов билан суҳбатимиздан аён бўлдики, меҳнат жамоаларида тузилган жамоа шартномаларида маъмуриятлар ёш оилаларга уй-жой қуришда яқиндан ёрдам бериш мажбуриятини олишган. Бу ёрдам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ёки бирор қурилиш материалини келтиришдан иборатдир. Бир вақтлар нуронийлар ташаббуси билан яратилган теракзорлар эндиликда асқотмоқда.

Янги уйга кўчиб кираётган оиланинг қувончини сўз билан таърифлаш қийин.

— Биз кўп йиллар мобайнида тўрт оила бир ҳовлида яшадик, - дейди Бешқулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги фуқаро Ж.Рўзиқулов. - Болачақа катта бўлгандан кейин орзу-ҳавас кўпаяди. Президент Фармони жонимизга ора кирди. Аризамиз мутасаддилар томонидан кўриб чиқилиб, ер ажратилди. Қурилиш материаллари олишда имтиёз берилди. Давлатимизнинг бундай меҳрибончилигидан бошимиз осмонда. Яқинда янги уйга кўчиб ўтдик. Шу кунларда тўй қилиш орзусида юрибмиз.



МУАММО ЕЧИМИНИ КУТАДИ

Сафаримиз сўнггида вилоят ҳокимлигининг якка тартибда уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Р.Сатторов билан ечимини кутаётган муаммолар хусусида фикрлашдик.

Ўйлаб кўрадиган ишлар эса етарли. Биринчидан, республика ҳукуматининг қарорида мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган қурилиш материалларини ҳовлижой қураётган фуқароларга қўшимча қиймат солиғисиз, деворбоп материалларни эса 30 фоиз арзонлаштирилган баҳода сотиш кўрсатилган. Бунга эришиш учун мутасаддилар астойдил ҳаракат қилишяпти. Аммо бир лекини бор. Масалан, цемент заводи ҳамма вилоятда йўқ. Ҳар бир фуқаронинг (айниқса, бошқа вилоят фуқаросининг) бевосита корхонага мурожаат қилиши, керакли маҳсулотни узоқ масофага олиб кетиши қийин. Шунинг учун ҳар бир туманда қурилиш ашёларини бирор-бир савдо тармоғи орқали ташкилий сотишни йўлга қўйиш керак. Бунинг учун якка тартибда уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан тайёрланиб, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асос бўлиши даркор. Зеро, кредит ажратилишида ҳам ушбу ҳужжатга асосланиш мумкин. Олинган кредит ёки қурилиш материали миқдори тегишли тартибда қайд этиб борилади. Бу аввало вақтни тежаб, сарсонгарчиликка чек қўяди.

Иккинчидан, якка тартибда уй қурадиганларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш жоиз. Мутахассислар кредит беришни расмийлаштиришни соддалаштириш керак, дейишмоқда.

Учинчидан, якка тартибда қурилган уй-жой ҳисобига барпо бўлган янги истиқоматгоҳларни электр, газ, сув тармоғи билан таъминлаш жиддий масалалардан бири бўлиб турибди. Қувур, сим ва ҳоказоларнинг қимматлашиб кетганлиги муҳим ишга муайян даражада тўғаноқ бўлмоқда. Тўғри, омилкор, ишбилармон кишилар вазиятдан чиқиш йўлларини излаб топмоқдалар. Ҳар ҳолда юқоридаги таклифларда жон бор. Улар ҳақида кўплашиб ўйлаб кўрилса, айни муддао бўлур эди.

Бозор шароитида яшаяпмиз. Боқимандалик кайфиятидан дадил халос бўлишимиз керак. Одамлар у йўқ, бу йўқ дейдиган замонлар ўтиб кетганлигини яхши тушунишмоқда. Давлат томонидан берилаётган мадад, қўллаб-қувватлашларга раҳматлар айтиб, қолган ишларни ўзлари бажаришга уринмоқдалар. Фақат уй-жой қуриш орзусида бўлган оилаларга хизмат кўрсатадиган тизим ҳақида ўйлаб кўрилса, маъқул иш бўларди. Гап шундаки, уларда малакали ишчи, мутахассислар хизмат қилади. Таклиф амалга ошса, одамлар уста қидириб, юришмасди.

Самарқанд вилояти меҳнатчилари Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан қаршилаш учун ғайрат камарини боғлаб ишламоқдалар. Сўнгги ўн йил ичида эришилган ютуқлардан бири эса қишлоқларда қад ростлаган замонавий турар-жой биноларидир.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

OLAMDA

БУХАРЕСТ. Сўнгги пайтларда Марказий ва Шарқий Европада ноқонуний муҳожирлик жиддий муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Бухарестда ўн уч мамлакат ташқи ишлар вазирларининг ушбу муаммога бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Вазирлар минтақадаги вазиятни муҳокама қилар экан, ноқонуний муҳожирликка қарши курашда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

* * *

***ОЛМАОТА**. Сўнгги ўн йил ичида Қозоғистонда рухсатсиз дарахт кесиш ва турли ёнғинлар туфайли ўрмонлар майдони ўн фоиз қисқарди. Айни чоғда у 26,5 миллион гектарни ташкил қилади. Мамлакат табиий захиралар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотига қараганда, кейинги ўн йилда ўрмонларда 700-800 марта ёнғин содир бўлган.*

* * *

МОСКВА. Россия Давлат думасида ёшлар орасида гиёҳвандлик муаммосига бағишланган маъруза тингланди. Унга кўра, бугунги кунда мамлакатда гиёҳвандлар сони 5 миллионга етган бўлса, шунинг 40 фоизи ёшлардир. Наркобизнеснинг йиллик савдо айланмаси 11 миллиард рублни ташкил қилади.

* * *

***ХЕЛСИНКИ**. Бу ерда Литва ташқи ишлар вазири Антанас Валионис ҳамда Финляндия ташқи ишлар вазири Эркки Туомиойи Европа Иттифоқини кенгайтириш, Литванинг НАТОга қўшилиши, минтақавий ҳамкорлик, Финляндиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан ҳамкорлиги ва бошқа масалалар тўғрисида фикр алмашди. Учрашувда томонлар Финляндия-Литва муносабатлари рисоладагидек ривожланаётгани, лекин савдо, иқтисодиёт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш зарурлигини таъкидлади.*

* * *

ПЕКИН. Хитойнинг Шанси вилояти фуқароси Мяо Шимин Гиннеснинг рекордлар китобига кирди. У дунёда энг кўп газета ва журнал йиққан киши, деб топилди. Унинг бисотида 368,712 мингта газета, 55,154 дона журнал ва 3266 дона китоб бўлиб, уларнинг орасида ўтган асрга тегишли нашрлар ҳам мавжуд. Мисол учун М.Шимин кутубхонасида «Жэнмин жибао» газетасининг илк сонини -дунёдаги энг митти газетани ҳам кўриш мумкин.

* * *

***ТИРАНА**. Македония армияси албан жангарилари назорати остидаги ерларни ўққа тутди. Айни пайтда «Миллий озодлик армияси» (МОА) жангарилари Македония шимолида Косово билан чегарадош 12 қишлоқда ҳукмронлик қилиб турибди. Македония ҳукумати қишлоқ аҳолисидан ушбу ҳудуддан чиқиб кетишни бот-бот сўрамоқда. Уйини тарк этганлар анчагина. Лекин бу қишлоқларда ҳали яна 10 мингдан зиёд одам қолган. Бу эса Македония ҳарбийларининг қуролли ҳаракатларини анча қийинлаштирмоқда.*

* * *

Исроил Бош вазири Ариэл Шарон Яқин Шарқда ўт очиш бутунлай тўхтатилишини маълум қилди. У Қуддус шаҳрида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, фаластинликлар мазкур таклифни қабул қилса, Исроил ўт очишни шу заҳотиёқ тўхтатади, деди. Шу билан бирга, Ариэл Шарон ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги таклиф билан Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ҳамда Ғазо минтақасида тураржой қуриш масаласи бир-бирига боғлиқ эмаслигини ҳам эслатиб ўтди.

* * *

АҚШ президенти Жорж Буш Миср президенти Хусний Муборак ҳамда Иордания подшоҳи Абдулла Иккинчи билан телефон орқали суҳбатлашиб, Яқин Шарқ минтақасига юқори мартабали дипломатларини юборажагини маълум қилди. Оқ уй вакиллари минтақада юзага келган вазиятни барқарорлаштириш масаласи билан шуғулланади.

(ЎзА).

NIMA GAP

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

«МЕН СИНУҚ, КЎНГЛУМ СИНУҚ...»

Фардлар шарҳи

Инсондаги юксак фазилатларнинг бош манбаи — ЮРАК. У арабча қалб, форсча дил номлари билан ҳам аталади. Бироқ инсон ички дунёси, руҳий оламининг бетакрор манзараларини тасвирлашда кўнгил калимаси юрак, қалб ва дилга қараганда кўп қўлланилади. Кўнгил раббоний ва руҳоний латифлик асоси, тан мулкининг қўнимгоҳи. Уни муқаддас ва мубарак Каъбага бежиз қиёс этмайдилар. Улуғ аллома Хожа Бектоши Валий: «Каъбага борган тўрт жойда тавоф этар. Булардан биринчиси — Ҳажарул Асвад, иккинчиси — мақоми Мултазам, учинчиси — Боби Каъба, тўртинчиси — Рукни яманийдур, - дея кўнгилда ҳам тўрт ерда нуроний зиёрат борлигини айтади ва, - дастлабкиси — ўнгда хавф (қўрқув) нури зиёрати, иккинчиси — чапда умид нури зиёрати, учинчиси — олдинда муҳаббат нури зиёрати ва ниҳоят шавқ нури тавофидур», - деб ёзади.

Мана шунинг учун ҳам кўнгил Мир Алишер Навоий ғазалларида асосий бадиий образ сифатида талқин этилган. Бу ҳол улуғ санъаткорнинг фардларида ҳам яққол намоён бўлади:

Фурқатингдин сувдурур кўнглум, ҳалинг ул судин
Ўйла зоҳирдурки, зоҳирдур жамолинг кўзгудин.

Ошиқ кўнгли ёр ҳажрида кўз ёш тўкканидан сувга айланган. Бу сувда фақат ёр жамолигина акс этади. Хўш, шоир нега «сувдурур кўнглум» дейди? Биринчидан, сув поклик рамзи, тиниқ ва мусаффо бўлгани учун унда киши бемалол ўз аксини кўра олади. Иккинчидан эса ошиқ кўз ёш билан кўнгилдаги ғуборни поклаб, уни кўзгуга айлантира олган. Шунинг учун Навоий кўнгилнинг пок, мусаффо бўлишига ишора этиб, уни сувга ўхшатган. Шоир бу фардида кўнгилнинг тажаллигоҳ, Ҳусни Мутлақ ўз жамолини намойиш этадиган кўзгуси эканига ҳам урғу берган. Зеро, Ҳадиси шарифда келтирилганидек, «Ҳазрат Пайғамбардан сўрадилар:

— Эй Оллоҳнинг Расули! Оллоҳ қаердадир? Ердами, кўкда?

Ҳазрат Пайғамбар шундай жавоб бердилар:

— Мўмин қулнинг қалбидадир».

Демак, кўнгил Ҳақнинг тасарруф тахти, назаргоҳидир.

Кўнгулга футур ўлмайин, роз очилмас,
Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас,

яъни кўнгилга вайронлик, шикастлик етмаса у ўз розини, дардларини очмайди. Зероки, садаф ҳам синмас экан, ундан дур доналари тўкилмайди. Демак, кўнгилнинг асрорини, унинг ҳақиқатини билиш учун унга етадиган озорлардан, дарду балолардан қочмаслик керак. Бало, азоб, мусибат — ирфоний маънода бўлиб, Ҳақнинг қулини танишидир. Ҳақ ўз ошиғини изтиробларга қўйиши — келажакда унинг юксак ҳоллар соҳиби бўлишидан далолатдир. Шунинг учун ҳам Шайх Шиблий «Ё илоҳи! Халқ сени неъматинг учун, мен эса балонг учун севарман», деган бўлса, Ҳужвирий «Ҳақнинг шундай дўстлари борки, бир он балосиз қолсалар, неъматдан маҳрум бўлганлардек оҳ ва фарёд этарлар», деб ёзади.

Алишер Навоий фардидаги «футур»ни илоҳий иноят маъносида англамоқ жоиз. Шоир шу фикрига ҳамоҳанг тарзда бошқа бир фардда шундай дейди:

Мен синуқ, кўнглум синуқ, сабрим уйи худ ерга паст
Билмагай ҳолим шикастин, кўрмаган мунча шикаст.

Навоийнинг кўнгил ҳолидаги энг гўзал ҳолатлардан бири «синуқ»ликдир. «Кўнгли синиқ», «кўнгли ярим» дастлаб халқ тилида ибора тарзида қўлланиб, у ёки бу маънода ўксик, ғамнок, ажралган кишига нисбат берилган. Туркий шеъриятда илк бор Яссавий «кўнгли синуқ»ликни ирфоний мазмунда қўллади. Мутасаввиф шоир эътирофига кўра Ҳақ ошиқларининг хос белгиларидан бири «кўнгли синиқ»ликдир. Шунинг учун ҳам у:

Бедорларга Ҳақ раҳмати бўлур ёвуқ,
Бедорларнинг кўнгли синуқ, кўзи ёшлик, -

деб ёзади. Аслида синиқ сўзи бирор бутундан ажралган қисмга нисбатан қўлланилади. Хўш, бу сўзни кўнгилга нисбат беришда қандай асос бор? Кўнгил ёр ишқи билангина бутун бўла олади. Агар ёр бу ишқни рад этса кўнгил дарз кетади. Синиқ кўнгил энди ўз ҳолини, ўз моҳиятини чуқурроқ мушоҳада қилади. Ноқисликларини излайди, кўнгил кўзи очилади, ҳар бир нарсага теранроқ нигоҳ ташлайди. Умуман, кўнгилнинг шикасталик мақоми ўзини англаш йўлидаги биринчи қадам. Буни шоир эътироф этганидек, фақат шикасталикни ҳис қилган кишиларгина билиши мумкин.

«Навоий шеъриятини яхши тушуниш учун Яссавий ҳикматларидаги ғоя ва поэтик образларнинг тарихи ва мундарижасини ҳам яхши билиш лозим», деб ёзади адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов. Шу маънода Навоий ижодидаги «кўнгли синуқ»лик ва бунинг зидди «кўнгли қаттиқ»лик Яссавийга бориб боғланади. Яссавий «кўнгли қаттиқ халойиқдин қочдим мано», деган бўлса, Навоий:

Қотиқ кўнглунгдин оқти халқ ёши
Ки ёмғур боисидур ёда тоши,

деб ёзади. Фарддаги «қотиқ кўнгул»лик бераҳмлик, бағритошлик маъносидадир. Шоир тошмеҳр кимсалар дастидан халқнинг кўз ёши оқади, дейди ва тамсил сифатида ёмғир ёғишига Яда тоши сабаб бўлишини келтиради. Яда тошига афсун ўқиб, ёмғир ёғдириш қадимий одатлардан бири. Демак, Навоий бу фардда бемеҳр кимсаларнинг кўнглини тошга нисбат бермоқда. Тошда ҳис бўлмаганидек, бундай кишилар кўнгли ҳам тош янглиғ қаттиқ бўлади. Бундай кўнгил эса ўз моҳиятидан йироқлашган, ўз қийматини англашга қодир бўлмаган кўнгилдир. Ҳақиқий инсон бу қисматдан қочиши, кўнглини ёлғону турли иллатлардан тозалаб, нурлантириши лозим.

Хуллас, Алишер Навоий баркамол ШАХС ҳақида ёзар экан, доимо эътиборни инсонлик шарафини белгилайдиган кўнгилга қаратади. Кўнгил ҳаёти ва шодлигини таъминловчи ишқу маърифат ҳақида баҳс этади. Инсониятни кўнгил эшлигига, борлиқни кўнгил кўзи билан кўришга даъват этади. Чунончи, Жалолиддин Румий ҳазратлари ҳам бежиз «Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил», дея даъват этмаганлар.

Насиба БОЗОРОВА,
Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти аспиранти.

Тадбир

Ёш авлоднинг маънавий-маърифий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб камол топишида мусиқа санъати, хусусан, мумтоз мусиқанинг ўрни беқиёс. Шу ўринда мактаб парталарида таълим-тарбия олаётган ўқувчи ёшлар ўртасида ўтказилаётган турли мусиқий тадбирларни эътироф этиш керак.

Куни кеча пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги инглиз тилига ихтисослашган 49-ўрта махсус мактабида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди.

МУМТОЗ МУСИҚА СЕҲРИ

— Мусиқий кечамизни «Мен қалбимни сенга бағишлайман» дея номладик, — дейди тадбир ташкилотчиси, мусиқа муаллими Альфира Муллаярова. — Ўқувчиларимиз шу куни бор билимлари, юксак иқтидорларини намойиш этишди.

— Бундай тадбирларни ўтказиш бизда яхши анъанага айланган, — дея суҳбатга қўшилади мактаб директори Насиба Досонова. — Хусусан, яқиндагина ўзбек миллий мумтоз мусиқасига бағишланган ажойиб кечани ўтказган эдик. Ўйлайманки, буларнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс.

Рус мумтоз мусиқасига бағишланган кечада ўқувчилар томонидан улуғ шоир Пушкин шеърларига басталанган мусиқий композициялар, куй-қўшиқлар янгради, шоир шеърлари ижро этилди. Бу эса тадбирга ташриф буюрган туман халқ таълими бўлими ходимлари, мусиқа ўқитувчилари ҳамда ота-оналарда катта таассурот қолдирди.

А. ШАФҚАРОВ.

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ 3

Ўзбекистон КУФК бош ҳуқуқий нозири Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ билан суҳбат

— Аввало иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллар бериш ҳақида сўз юритсак.

— Меҳнат кодексининг аввалги қонунлар мажмуидан фарқли ҳолда бундай таътилнинг максимал давомийлигини белгиламайди. Айтиш керакки, иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътиллар ходимнинг аризасига, яъни унинг эҳтиёжига қараб берилади. Бунда таътил даврининг давомийлиги ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади.

— Ҳамидулла ака, шу ерда бу масалани янада аниқроқ ёритиб кетсак. Дейлик, ходим зарурат юзасидан иш берувчидан иш ҳақи сақланмаган ҳолда ўн кунлик меҳнат таътили сўради. Имконият даражасида иш берувчи ҳам ходимнинг бу талабини қаноатлантирди. Бундай вазиятларда, агар ходим ўн кун, йигирма кун, ёки бир ой, бир ярим ой вақт давомийлигидаги таътил сўрашидан қатъий назар, сиз айтган тартибда амалга оширилади-ми?

— Ҳа. Лекин шуни унутмаслик керакки, мана шундай таътилнинг икки ҳафтаси, яъни 14 куни, агар корхонада мавжуд ички меҳнат қоидаларида ўзга ҳолатлар кўрсатилмаган бўлса, йиллик меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қўшилади. Қолган қисми эса бундай ҳуқуқни бермайди. Меҳнат шартномаси тарафларнинг келишувига биноан бундай таътил муддатидан илгари тўхтатилиши ҳам мумкин. Шу ерда битта истисно мавжуд: икки ёшдан уч ёшгача бўлган боласини тарбиялаш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлган аёллар хоҳлаган вақтларида бу таътилни тўхтатиб, ишга қайтишлари мумкин. Яъни, бундай ҳолатда иш берувчининг розилиги талаб этилмайди.

— Амалиётда шундай ҳолатларни учратиш мумкинки, баъзан хом ашё йўқлиги муносабати билан ёки бошқа сабабларга кўра иш берувчи ходимларни мажбурлаб ёки бошқа йўллар билан ариза ёздириб, иш ҳақи сақланмайдиган таътилларга чиқариб юборади...

— Бундай ҳаракат қонунчиликка тамомила зиддир. Корхона қандай сабабларга кўра иш тўхтаб қолишидан қатъий назар, бунда ходимнинг айби бўлмаса албатта, Меҳнат кодексининг 159-моддасига биноан «ходимнинг бекор туриб қолиш ҳолати» - деб тан олинади ва бундай даврнинг барча муддати учун ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиши керак.

Биз юқорида тарафларнинг келишувига асосан берилиши мумкин бўлган иш ҳақи сақланмаган таътиллар ҳақида сўз юритдик. Энди эса, келинг, худди шу турдаги таътилларнинг берилиши мажбурий бўлган ҳоллар ҳақида тўхтайлик. Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатилишича, қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра муқаррар тартибда шундай таътиллар берилади:

- ишлаётган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига ва 12 ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ фарзандларни тарбиялаётган аёлларга ҳар йили 14 календар йилига қадар;

- икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга боласи уч ёшга тўлгунга қадар.

Бу ерда кўрсатилган даврлар кафолатланган муҳлат ҳисобланади ҳамда ўз ўрнида ходимнинг розилиги, хоҳиши билан қисқартирилиши ёхуд бундай таътилдан умуман фойдаланмаслиги ҳам мумкин.

— Бундай тоифадаги ходимлар шу таътилдан янада узоқроқ муддатда фойдаланишлари мумкинми?

— Мумкин, лекин бунинг учун иш берувчининг розилиги бўлиши керак. Мана шу муқаррар тартибда бериладиган иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътилдан ўзгалари, агар иш берувчининг розилиги бўлмаса берилмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳолатга эса, ўз навбатида ходимга нисбатан меҳнат муносабатларида одатий ҳол деб қаралади.

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил даврида ишга қайта чақириб олиш (муддатидан илгари) умумий асосларда амалга оширилади.

— Фойдаланилмаган таътиллар учун пулли компенсация тўлаш тартиблари ҳақида бафуржа тўхталиб ўтсак. Чунки, амалиётда фойдаланилмаган бир неча йиллик таътилларга ҳақ тўлашда кўпчилик иш юритувчилар баъзи бир қўпол хатоларга йўл қўйиши натижасида қонун бузилиши ҳолатларини учратамиз.

— Меҳнат кодексининг 151-моддаси, биринчи қисмида кўрсатилишича, меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланиши шарт. Эътибор беринг-а, мана шу моддада «барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун» - деган ибора ишлатилган. Батафсил тўхталадиган бўлсак, меҳнат қонунчилигида йиллик таътилнинг умумий давомийлиги 48 иш кунидан кўп бўлмаслиги белгилаб қўйилган. Бу барча йиллар учун фойдаланилмаган таътилларни жамлаганда 48 иш кунидан ошмаслиги керак, дегани эмас. Дейлик, уч йиллик таътил жамланиб қолган бўлса, агар бир йиллик таътилни 24 кундан иборат деб олсак, демак, умумий давомийлик 72 кунни ташкил қилади. Бундай пайтда меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса, мана шу 72 кун учун ҳақ тўланиши керак. Ана шу йиллик таътил учун эса Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори 6-иловасининг «ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш тартиби»да кўрсатилганидек, пулли компенсация қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

1. Таътиллар вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи биринчи йил ишловчиларга ҳисоблаб чиқиш кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда улар ўн иккидан бирга (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бирга; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга ва ҳоказо), ўрта махсус ва ҳунартехника ўқув юртлари ўқувчилари учун ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган суммани ўндан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Уларга ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар киради.

2. Йил охирида ортиқча бажарилган соатлар учун ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқитувчиларига қўшимча ҳақ ушбу соатлар бажарилаётган вақтда амалда бўлган ставкалар бўйича тўланади.

Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилнинг Меҳнат кодексида белгиланган энг оз муддатидан (ўн беш иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин. Яъни, ходимнинг йиллик меҳнат таътили локал ҳужжатларга биноан 18, 24 кун, бир ой ва ҳоказо қилиб белгиланган бўлса, ходим ўз истаги бўйича шу таътилнинг ўн беш иш кунидан юқори қисмини пуллик компенсация билан алмаштириш ҳуқуқига эгадир. Иш берувчи эса бунга амал қилиши шарт. Меҳнат кодексининг 137-моддасида назарда тутилган қўшимча таътиллардан ва 149-моддада кўрсатилган ижтимоий таътиллардан қуйидаги ходимлар фойдаланадилар:

- ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари;

- болаларни парваришлаш таътиллари;

- ўқиш билан боғлиқ таътиллар;

- ижодий таътиллар.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 152-моддасига асосан, жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимларнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган таътил даврида ходим меҳнат шартномасини унинг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида огоҳлантиришнинг қонун ёки тарафларнинг келишуви билан белгиланган муддати тугаган бўлса, қайтариб олишга ҳақли эмас. Меҳнат шартномаси унинг муддати тугаши муносабати билан бекор қилинганда кейинчалик меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш шарти билан, гарчи ҳақиқатда ишланган вақт ҳамда таътил вақтининг умумий йиғиндиси меҳнат шартномаси муддати чегарасидан чиқиб кетган тақдирда ҳам, таътил берилиши мумкин. Бу ҳолатда меҳнат шартномасининг амал қилиниши таътил тугагунга қадар узайтирилади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг айби билан бекор қилинган ҳолларда эса, йиллик асосий ва қўшимча меҳнат таътилидан асл ҳолида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Суратда: ҳунарманд Боҳодир Каримов.
М. Қодиров олган сурат.

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ

уларни сўлим масканлар кутмоқда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Оролбўйи ҳудудида яшаётган болалар ёз фаслида шифобахш сўлим дам олиш масканларида мириқиб хордиқ чиқаришларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Жорий йилда бу муҳим тадбир қандай ўтказилади? Мухбиримиз Неъмат Рафиқов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маданият, спорт ишлари ва ижтимоий муаммолар бўлими мудири Аскарали Султоновга шу ҳақда бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Оролбўйи болаларини соғломлаштиришга бу йил ҳам жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Таъкидлаш жоизки, вазирликлар, ҳокимликлар, хўжалик ва жамоат ташкилотлари ҳам болаларни соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ўтказишда биз билан бирга яқиндан фаолият кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раёсати қарорига кўра 2001 йил ёз мавсумида Қорақалпоғистон Республикасидан 15 минг, Хоразм вилоятидан 5 минг нафар бола Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги энг сўлим, хушманзара болалар оромгоҳларида дам олдирилиши режалаштирилган.

— Аскарали ака, ўтган йили Қорақалпоғистон республикаси ҳамда хоразмлик 4 минг нафар ўғил-қиз Тошкент вилояти ҳамда пойтахт оромгоҳларида хордиқ чиқарганди. Бу йил бундан 5 марта кўп болаларни баҳаво жойларда соғломлаштириш мўлжалланган. Бунга қандай эришилади?

— Йигирма биринчи аср илк йилининг «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилиниши ҳар биримиздан алоҳида масъулият билан ишлашни, келажагимиз бунёдкорлари ҳақида янада кўпроқ ғамхўрликлар қилишни талаб этади. Қолаверса, «Она ва бола» Давлат дастурининг тўлақонли бажарилишига ҳам ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз. Иккинчидан, республикамизнинг бир қатор вилоятларида, айниқса Оролбўйи ҳудудида сув танқислиги юзага келиши, бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилишига ҳамда аҳолининг турмуш шароитига ўз таъсирини кўрсатишини ҳам ҳисобга олдик.

Болажонларимизнинг ёзги дам олиш мавсумини кўнгилли ўтказишлари учун барча вазирликлар масъулдирлар. Дам олувчиларни оромгоҳларгача етказиб келиш бепул амалга оширилади. Унинг ҳаражатлари эса Оролбўйидан келган меҳмонларни қабул қилувчи хўжаликлар ҳисобидан қопланиши кўзда тутилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Дори-дармон» давлат уюшмаси тизимидаги касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда болаларнинг ёзги таътилини ташкил этиш ва ўтказиш учун етарли даражада тиббиёт ходимлари, дори-дармон ва бепул тиббий хизматни йўлга қўядилар. Маданият ишлари вазирлиги, Республика Ёзувчилар уюшмаси, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан кўнгилочар тадбирлар уюштирилади. Оромгоҳларга таниқли санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар ташриф буюриб, учрашувлар, ўтказадилар. Шунингдек, турли кўргазмалар, спорт мусобақалари ташкил этилади. Хуллас, Оролбўйидан келган болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

БОЛГАР ЮЛДУЗИГА ҲАММА МАФТУН

Пойтахтнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида болгариялик таниқли бастакор, профессор Нева Кристева журналистлар билан учрашди.

— Шарқ мўъжизаларига шайдоман, - деди Нева хоним «Туркистон-пресс» мухбирига. - Кишини лол қолдирадиган мумтоз мусиқа санъати билан яқиндан танишишни, Ўзбекистоннинг гўзал меъморчилигини ўз кўзим билан кўришни умр орзу қилганман. Ниятимга етганимдан бахтиёрман.

Мусиқачилар оиласида дунёга келган Нева хоним болалигидан санъатга ошно бўлди.

— Санъаткор бўлиш орзусида эканимни эшитган ота-онам аввалига менга ишонишмасдан кулиб қўйишди, - ҳикоя қилади у. - Қарорим қатъийлигини билишгач, бироз чўчишди. Бу оғир ва машаққатли йўлда ўзимни эплаб кетишимдан ҳадиксирашди, чамамда. Москва консерваториясига кириш учун ўтказилган танловда ғолиб чиқишим эса барча шубҳаларни тарқатиб юборди.

— Талабалик йилларидаёқ Москвадаги машхур «Чайковский» номидаги концерт залида биринчи концертини томошабинлар ҳукмига ҳавола этган Н.Кристева мусиқа оламида бир истеъдод кўз очганини намоён эта олганди, - деди тадбирда иштирок этган Болгариянинг мамлакатимиздаги элчихонасининг ходими Эмил Канудамев жаноблари. - У Болгарияда биринчи бўлиб, мусиқа оламининг даҳоси Бахнинг 17 та тўлиқ альбомини батафсил ўрганди ва уларни ижро этди. Сўнг ўзи ҳам Бах сингари танилди, яратган асарлари билан мусиқа ихлосмандларининг юрагидан жой олди.

Нева Кристева бугунги кунда Болгария давлат консерваториясининг орган ва полифония соҳасининг етук профессори. Дунёда унинг ҳаётбахш асарларига шайдо бўлмаганлар жуда кам. Тошкентдаги энг гўзал кошоналарда Нева хоним мухлисларини нафис туйғуларга ошно этади. Айни дамларда Тошкент консерваторияси талабалари профессорнинг бетакрор сабоғидан баҳраманд бўлишмоқда.

Санъат

«ЎРИК ГУЛЛАГАНДА»

қўшиғи кино учун ёзилганини биласизми?

Абдулла Қодирийнинг буюклиги 1927 йилнинг баҳорида ёзган бир мақоласида ҳам кўзга ташланган эди. Ўзбек бадиий киносининг дастлабки асарларидан бири «Работ қашқирлари» асари ҳақида адиб, мунаққид, миллий маданият билимдони сифатида фикр юритиб, фильмнинг пойдевори, ижроси, экрандаги воқеалар ривожи маромини чуқур таҳлил қилади ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган хулосаларга келади.

Архив

Қодирийнинг ўгитларидан бири миллий руҳ, миллий характер яратиш масаласи билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, бадиий асарни таҳлил қилиш ва баҳолашда «сийловга» йўл қўймаслик, мураккаб ижод маҳсули бўлмиш фильмнинг ғояси, эстетик шакли ва ифода воситаларини кўра билиш, уларнинг туб моҳиятини англай билиш, идрок эта билишга тегишлидир. Бугун ана шу масаланинг бир қирраси ҳақида фикр юритишга жазм қилдик. Зеро, янги довон ошиш машаққати, айрим ўринларда бу палланинг ширин ташвишлари синтетик санъат — кинонинг барча воситалари ҳақида атрофлича фикр юритишни тақозо этади.

Қодирий назари тушган «Работ қашқирлари» фильми аслида овозсиз бўлса-да, унга махсус мусиқа ёзилгани ва томоша вақтида у янграб тургани маълум. Адиб ўша мусиқа садоларига ишора қилмаса-да, фильмдаги ўзбек қишлоғи, деҳқон ҳаёти, Кароматнинг севгиси, Содиқнинг жасорати акс этган кадрларга жўр бўладиган мусиқа топилгани, экранга мослангани ҳақида аниқ маълумотларга эгамиз. Ўзбек маданиятига, хусусан, халқимиз орасида машҳур бўлган гўзал куйларга, жозибали рақсларга, шўх ва ўйчан қўшиқларга мафтун бўлган композитор ва этнограф В.Ушинский «Работ қашқирлари»га атаб киномусиқа басталаганида «Насрулло», «Собиржон», «Илғор», «Каринаво», «Заркокил» ва «Дилрабо» куйларини асос қилиб олди. Улар асосида «Тасвир шаклига» мос келадиган «Мусиқа шаклини» ижод этди. Мусиқа кино аҳлига шунчалик маъқул келдики, кино овозли бўлиши билан В.Ушинскийни «Шарқ юлдузи» кино ширкатига таклиф этиб, «Қасам» фильмига мусиқа ёзиб беринг, деб илтимос қилишди. Композитор бетоб бўлгани туфайли таклифни қабул эта олмаган.

Услуб жиҳатдан Абдулла Қодирийга жуда яқин бўлган санъаткор — Наби Ғаниев «Тоҳир ва Зуҳра» фильмини бунёд этишида шу йўлдан борди. Тўхтасин Жалилов унга кўмаклашди. Халқ куйлари бу асарнинг бадиий тўқимасига сингиб кетди. Бунда композитор Алексей Козловскийнинг, ёш хонандалар Саодат Қобулова ҳамда Абдуллажон Охуновнинг хизматлари ҳам катта бўлди. «Қаламлар», «Отмагай тонг», «Эй, қуёш» каби қўшиқлар асарга сайқал бергандек, уни безагандек бўлди, асосий ғояни очишга кўмаклашди. Наби Ғаниев кейинги бадиий фильмлари — «Насриддин саргузаштлари», «Фарғона қизи»да ҳам шу йўлдан — халқ куйларидан фойдаланиш йўлидан борди...

Кейинчалик кино мусиқаси басталанишида хорижда, хусусан, рус кинематографиясида орттирилган тажрибага таяниб иш кўрилди. Шу тариқа «ишдан ажралмаган ҳолда» ашула айтишларни, рақс тушишларни экран воситасида кўриш таклиф этилаверди. Бу йўлдаги изланишлар ҳам қатор фильмларда самара берганини бажонидил қайд этиб ўтамиз: «Мафтунингман» мусиқали комедиясида қўшиқлар истеъдодли ўзбек халқига маълум даражада тавсиф беради... «Кўчалар...» ашуласи келин излаб юрган ота-боланинг кайфиятини, орзу-умидларини «экранлаштириш»да кўмаклашади («Ёр-ёр» мусиқали кинокомедияси) Шу билан бирга мусиқанинг фильм тўқимасига сингдиришнинг бошқа йўллари ҳам мавжудлигини эслатиб ўтамиз. Мусиқа қаҳрамон ҳолатига «жўр» бўлибгина қолмай, унга қарши қўйилиши ҳам мумкин. Бу ўринда яқин ўтмишда А.Қодирий, узоқ ўтмишда Жомий, Платон, Дарвиш Али кабиларнинг назарий фикрлари, бадиий тажрибалари қўл келиши мумкин. Бир ўринда куй басталаган ҳам, куйни тинглайдиган ҳам ижод этади, дейилса (Жомий), иккинчи ўринда мусиқани кўз ўнгимизда намоён этадиган соҳа — бу хореография, яъни рақс, раққосалар санъати, деб таъриф берилади (Платон) Дарвиш Али эса ўз мушоҳадасида мусиқани, созни шаклан дарҳол қизиқиш уйғотадиган, мазмуни теран, фалсафий фикрларга бой воқеалар, афсоналар таърифидан келиб чиқади. Фитрат ва Ғулом Зафарий «Муножот», «Насрулло» каби куйларга мос келадиган ранглар излаганлар, топганлар ҳам. Бинобарин, кино ва ТВда тақлид эмас, янги бадиий ихтиролар сари интилиш, кечаги тажрибадан ижодий фойдаланиш, айрим ҳолларда унга танқидий ёндошиш зарур бўлиб қолди.

Кино мусиқаси ҳақида ўйлаганимда, ҳамиша «Ўрик гуллаганда» ашуласининг яратилиши тарихини эслайман. Бу асар атайлаб «Ойдин саҳифа» бадиий фильми учун ёзилганини кўпчилик билмаса керак. Қўшиқ дастлаб янграган фильм томошабин ёдидан кўтарилган. Унинг ижодкори — Манас Левиев шоир Ҳамид Олимжон шеъридан илҳомланиб, бир кечада ажойиб куй басталагани, ўша дақиқада хонандага етказгани, пировардида ўз асаридан мамнун бўлгани маълум. Мақоламиз сўнггида бу қўшиқнинг туғилиш жараёни ҳақидаги ҳикоямизни келтирайлик.

Эрта баҳор кунлари эди. Бўртиб, очилай-очилай, деб турган ғунчалар эндиликда барг чиқара бошлаган азамат дарахтлар. Уларни биз Манас ака Левиев билан томоша қилиб борар, баҳорнинг куч-қудратидан яна бир бор ҳайратга келиб, ширин суҳбат қурардик.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

(Давоми бор).

Хушхабарлар

ҲУНАРМАНДЛАР АНЖУМАНИ

Бухорода маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда халқ ҳунармандчилиги санъати буюмларини жаҳон бозорига олиб чиқиш масалаларига бағишланган республика ҳунармандлари анжумани ўтказилди. Мазкур семинар Каунтерпарт Консорциум кўмагида ташкил этилиб, унда Қўқон, Марғилон шаҳарлари, Хоразм ва Бухоро вилоятларидан моҳир халқ ҳунармандлари тўпланди. Анжуман давомида иштирокчилар ўйма нақш, ёғоч ўймакорлиги, гул солиб безаш каби анъанавий ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш масалаларини муҳокама қилишди.

«СВЯТЛИЦА ПОЛЬСКА» ТУҲФАСИ

«Святлица Польска» республика маданий марказининг раҳбари Елена Зубовичнинг «Туркистон-пресс» мухбирига маълум қилишича, Бухорода ушбу марказ филиали очилган. Унинг мақсади Ўзбекистонда истиқомат қилаётган поляклари ўз атрофида бирлаштириш, маданиятини қайта тиклашга кўмаклашишдир. Мазкур марказ ҳамда унинг филиали халқлар ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашни, поляклар ўзбек тили ва халқининг бой маданий меросини ўрганишга кўмаклашишни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

Е.Зубовичнинг сўзларига кўра, айни пайтда вилоятдаги бошқа миллий-маданий марказлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган тантаналарга тайёргарлик ишлари кетаётир.

«ҒУНЧА» АНСАМБЛИ ХИЗМАТДА

Қарши шаҳридаги 1-гимназия ўқувчилари сўнгги қўнғироқ олдидан Қизилмачит маҳалласидаги Меҳрибонлик уйига ташриф буюрдилар. Бу ерда тарбияланаётган болалар билан ўқувчиларнинг қизиқарли учрашувлари бўлиб ўтди.

Илм даргоҳининг «Ғунча» ансамбли дилрабо куй-қўшиқлар ижро этганда болажонлар биргалашиб ашула айтишиб, рақсга тушишди.

Савобнинг катта-кичиги бўлмайди. Гимназия директори Т.Аҳмедовнинг ташаббуси билан Меҳрибонлик уйи ҳомийлари яна биттага кўпайди. Тарбияланувчиларга моддий ёрдам кўрсатилди, ўқув қуроллари, ширинликлар ва турли ўйинчоқлар улашилди.

Меҳрибонлик уйи директори Г.Раҳмонова, тарбиячилар М.Муқимова, Х.Хуррамова ва айниқса меҳр-муҳаббатга ташна тарбияланувчилар мурувватли ва олий ҳиммат гимназия жамоасидан беҳад мамнун бўлдилар.

ЁЛҚИН.

КАРВОНСАРОЙ ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРМОҚДА

Бухоролик усталар шаҳарнинг қадимий кўчаларидан бирида жойлашган Токи Саррафон савдо гумбази яқинидаги XIX асрда барпо этилган Рашид карвонсаройини тиклаш ишларига киришишди. Усталар карвонсаройдаги 51 та ҳужра ва бошқа хоналарни таъмирдан чиқариб, ичкари ҳовлига тош ётқизишади. Бундан ташқари, саноат моллари олиб кириладиган дарвоза ҳам қайта тикланади. Таъмирлаш ишларини шу йилнинг кузига якунлаш режалаштирилган.

Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги «Қайнар» санаторийси нафақат вилоятда, балки республикамиздаги энг яхши санаторийлардан бири ҳисобланади. Бу ерда 42 нафар тиббиёт ходими кишилар саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Айниқса, болалар шифокори Муҳаббат Хидированинг кунчаклиги, ўз ишининг ҳақиқий устаси эканлигини бу ерда саломатликларини тиклаб кетганлар узоқ вақт эслаб юришади.

Суратда: қўли енгил шифокор Муҳаббат Хидирова.

Шавкат СУЛТОН олган сурат.

Дўст ачитиб гапиради

Қорақалпоғистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти республика бошқармасига қарашли 4 та спорт мактабида мингдан ортиқ бола спортнинг эркин ва миллий кураш, футбол, оғир атлетика турлари билан шуғулланмоқда. Ўтган йили 2 нафар спорт устаси, 55 нафар спорт усталигига номзод, 84 нафар биринчи разрядли спортчи тайёрланди.

СПОРТГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

Яқинда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган эркин кураш бўйича мусобақада Мақсад Тўйчиев, Руслан Турсунбоев, Кенгес Солиева, оғир атлетика бўйича Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Даврон Жасуровлар спорт устаси талабларини бажарди. Маҳоратли спортчиларни тайёрлашда эркин кураш бўйича Ўсербой Ережеров, Жумабой Пирманов, Жумамурод Сейтимбетов, оғир атлетика бўйича Тоҳир Мадаминов, футбол бўйича Ҳалимбек Сориев, Шокир Ниёзов ва бошқа мураббийлар астойдил меҳнат қилишмоқда.

Спорт мактаблари тарбияланувчилари оғир атлетика бўйича Самарқанд шаҳрида, эркин кураш бўйича Ангрен шаҳрида, футбол бўйича Туркманистон Респбуликаси Дошховуз шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди. Бунда ҳомий ташкилотлар «Катекс», «Қорақалпоқ агроқурилиш», «Бўрон» ҳиссадорлик жамиятлари, «Қорақалпоқиссиқхона» корхонаси жамоаларининг ёрдамлари катта бўлди.

Бироқ бугун бошқарманинг иқтисодий аҳволи танг. Спорт мактабларининг мураббийлари ҳатто ўтган йил декабр ойи маошини ҳам олишмаган. Бошқарманинг ўз ходимларидан маош учун қарзи 2 миллион 904 минг сўмдан ортиқ. Ўтган йили 26 та мусобақа ўтказиш режалаштирилгани ҳолда маблағ йўқлигидан бу тадбирларнинг 6 таси қолиб кетди. Қисқа давр ичида бошқарма ходимлари сони икки баробар қисқартирилди. Спорт мактабларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш аҳволи ҳам қониқарли эмас. Тажрибали мураббийлар иш жойларини ўзгартиришга мажбур бўлишмоқда.

— Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий кенгашига маошлар билан таъминлашга ёрдам сўраб мактуб йўллаган эдик, - деди бошқарманинг масъул ходими М.Ниёзимбетов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Лекин, шу кунгача жавоб йўқ. Ҳозир нима қилишга ҳайронмиз. Аслини олганда бугун пул сўраган ҳеч кимга ёқмайди. Аммо ўсмирлар спортига бундай муносабат, тажрибали устозларининг маошсиз ўтириши инсофдан бўларми?


Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Жавоҳирлар сандиғидан

Хусайн Воиз КОШИФИЙ

ЁН ҚЎШНИ, ЖОН ҚЎШНИ

Агар қўшнилар билан муомала-муносабат одоби нечта, деб сўрасалар, ўн тўртта деб айтгил: аввал шуки, уларга меҳрибон бўлсин. Иккинчидан, панду насиҳатни дариғ тутмасин. Учинчи, агар ёмонлик кўрса, ҳам уларни беобрў қилмасин. Тўртинчи, имкони етгунча қўшниларга мададкор бўлиб, ҳамият кўрсатсин. Бешинчи, ўз юкини уларга ортмасин, балки улар кўнглининг юкини кўтарсин. Олтинчи, агар уларнинг ҳожатини чиқарса, миннат қилмасин. Еттинчи, агар қўшнилардан нафъ етса, шукрини қилсин. Саккизинчи, агар қўшнилар камчиликни кўрсатсалар, шикоят қилмасин. Тўққизинчи, агар камбағал ва муҳтож бўлсалар, бор нарсасини бериб, савоб олсин. Ўнинчи, агар бирор асбоб-ускуна сўраб чиқсалар, очиқ кўнгил билан берсин. Ўн биринчи, туз, сув ва ўтинни улардан қизғанмасин. Ўн иккинчи, қўшниларнинг ёш болаларига меҳрибонлик кўрсатсин. Ўн учинчи, таъзия ва тўю маъракада улар билан бирга ҳамдам бўлсин. Ўн тўртинчи, ариқ ва сув кетадиган жойлар, дераза ва даричалар ва бошқа қўшнилар фойдаланадиган нарсаларга монеълик қилмасин, хуллас, қўшнининг ҳурмат-эҳтиромини ҳамма вақт ўз ўрнида сақласин.

Агар бегоналар билан одоб шарти нечта, сўрасалар, олтита деб айт. Аввал шуки, ҳеч кимга ҳақорат кўзи билан қарамасин. Иккинчидан, бегоналар суҳбатига суқулмасин. Учинчидан, уларнинг ёқимсиз сўзларини эшитмасин. Тўртинчидан, агар ножўя ҳаракат кўрса, насиҳат билан тушунтирсин. Бешинчидан, уларга шафқат кўрсатишни тарк этмасин. Олтинчидан, уларни яхшилаб синаб, муносиб деб билмагунча суҳбатга йўлатмасин.

Форс-тожик тилидан Н.КОМИЛОВ таржимаси.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Федерация Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Дилбар Набиевна Жаҳонгировага волидаи муҳтарамаси **Амина ая АБАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вакти - 21.00
Топширилди 21.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6